ИННОВАЦИОН

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI 1930

Tadqiqot.uz



XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

# SOHA LINGVISTIKASI: TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASINING MUAMMOLARI, YECHIMLARI HAMDA ISTIQBOLLARI

10-NOYABR

2021

BUXORO, UZBEKISTAN

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

# SOHA LINGVISTIKASI: TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASINING MUAMMOLARI, YECHIMLARI HAMDA ISTIQBOLLARI

**mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari**

***Buxoro, 10-noyabr, 2021-yil***

**© Tadqiqot.uz**

Masalan, Gansni odam va hayvonlar organizmida behad kuchli yoki patologik ta'sirlar natijasida ro'y beradigan asabiylik omillarini, ular **doyalik qiladigan** kasalliklarning urchishi, rivojlanishi, kechish bosqichlari va asoratlarini jiddiy o'rganishga kirishdi. ["Salomat bo'ling",2021.-№7:12] Doya – to'lg'oq tutgan ayollarni tug'diruvchi xotin. Yuqorida asabiylashish va siqilish inson organizmida tur xil kasallikning paydo bo'lishiga sababchi bo'lganligi uchun doyaga o'xshatilgan. Ya'ni doya va asabiylikning vazifasi bir – tug'dirish.

Davriy nashrlarda kuzatilgan tibbiyotga oid tasviriy ifodalar so'zlarning uslubiy qo'llanish doirasi, asosiysi, inson salomatligi, kasalliklar va ularga xos xususiyatlarni, umuman, tibbiy tushunchalarni nomlash, tasvirlash imkoniyatining kengligi haqida yetarlicha ma'lumot bera oladi. Axborotlashgan va axborotlar ko'lami kengaygan davrda jamiyat ahliga zaruriy ma'lumotlarni aniq, ishonchli, tez, ta'sirchan, qulay shaklda yetkazib berish bilan bog'liq masalalar tibbiy matbuot matnini yaratuvchilar yoki tibbiyot mutaxassislarinigina emas, balki tilshunoslarni ham birday qiziqtiradi.

XXI asr tibbiyoti va tibbiy madaniyati jadal rivojlanayotgan ekan, soha lingvistikasining alohida ko'rinishi sifatida tibbiy lingvistika ham o'sishda davom etadi. Bugungi kunda shifokor nutqini o'rganish, tibbiy muolaja jarayonida qo'llaniladigan so'z va iboralar, dori-darmon nomlari, inson tana a'zolarini o'zbek adabiy tili va nutq madaniyatiga mos ravishda tartibga solish tilshunoslikning tibbiyot bilan aloqadorlikda ish ko'rishini belgilaydi. Tibbiy terminlarning shakllanishida tasviriy vositalarning o'rni beqiyos. Metafora, tasviriy ifoda, jonlantirish badiiy adabiyotning asosiy mexanizmi bo'lishiga qaramay, tibbiyotga oid nutqda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

**Adabiyotlar:**


1. Sh.M.Mirziyoyevning o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining o'ttiz yilligiga bag'ishlangan marosimdagi nutqi//https://xs.uz/uz/ post/prezident-shavkat-mirziyoevning-ozbek-tiliga-davlat-tili-maqomi-berilganining-ottiz-jilligiga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi)
2. Кожин А.Н. Перифрастические построения в языке советской эпохи// Русский язык в школе.1977.-№4. – С.89-94.
3. Қўнгуров Р.Қ. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 172 б.
4. "Hamshira" jurnali, 2011.-№1(53). –B.19-20.


## 4-SHO`BA
## TIBBIY BIRLIKLARNING LINGVOPOETIK TADQIQI

### Тилшуносликда эвфемизм ҳодисаси талқини
### (Ҳ.Худойбердиева шеърлари асосида)


*Юсупова Дилдора Юнус қизи* *



**Аннотация.** Маънавий камолотга эришишда маданий мерос бўлмиш тилдан ўринли, оқилона ва самарали фойдаланиш, уни чуқур ўрганиш ва



* Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси докторанти

ундан баҳраманд бўлиш зарур. Зеро, исталган кишининг ўзи яшаб турган муҳитидаги одамлар билан алоқа-аралашуви, эътиқоди, урф-одатларга риоя этиши, интилишлари, миллий қадриятлари унинг шахс сифатида шаклланишини таъминлайди. Бу жараённинг ҳар бир жиҳати тил билан богланади ёки тил ҳар қандай вазиятда восита вазифасини бажаради.

Тил тизимларининг турли тавсифларини фақат назарий жиҳатдан аниқлаш кифоя эмас. Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишини мулоқот системаси таркибида ўрганиш инсон омилига эътиборни кучайтиришини инобатга олиб, куйида ўзбекона нутқий эвфемизмларнинг хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритамиз. Чунки миллий, маданий ўзига хослик ўша халқнинг хулқи, маданияти ва мулоқот жараёнида ўз аксини топади.

**Калит сўзлар:** *эвфемик маъно, умумистеъмол эвфемизмлари, тиббий эвфемизмлар, Ҳалима Худойбердиева шеърларида окказионал ҳамда тиббий эвфемизмлар*

Жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам эвфемизм ҳодисасини ўрганишга қизиқиш кучли. Жаҳон тилшунослигида эвфемизмлар тадқиқи, асосан, В.З.Санников, В.П. Москвин, Е.П.Сеничкина, Л.А.Булаховский, Б.А.Ларын, Л.П.Крысин, Ж.С.Нимен, Ж.Сильвер, А.В.Осипов, Е.Н.Малыгина, С.А.Агаджанян, А.Н.Кудряшова, Г.А.Абрамова, Е.В.Пикаловалар тадқиқотлари билан боглиқ [2].

Ўзбек тилшунослигида Н.Исматуллаев эвфемизмларни 7 турга бўлиб ўрганган. ўзининг номзодлик диссертациясида масаланинг қўйилиши даражасида, А.Омонтурдиев эвфемик ифодаларнинг услубий хусусиятларини чорвадор нутқи асосида тадқиқ этган. Э.Қиличев эвфемизмларнинг дисфемизмга қарама-қарши турувчи ҳодиса сифатида мавжудлигини эътироф этган. Тилшунос М.Миртожиев эвфемик маънонинг ҳосила маъно сифатида вужудга келиш усулларига эътибор қаратади.

Шунингдек, А.Э.Маматов эвфемизмларга ибораларнинг юзага келиш усули сифатида қарайди. Ҳ.Шамсиддинов эвфемизмни функционал-семантик синонимларни юзага келтирувчи ҳодиса сифатида баҳолайди. Олима З.Холманова асарда қўлланган эвфемизмларни 2 турга ажратиб тадқиқ этади Х.Қодирова эвфемизмларни ижодкор нутқи асосида таҳлилга торади [5]. Бу тадқиқотларда эвфемизмлар тилнинг муайян бир сатҳига тегишли бирлик сифатида ўрганилди.

"Ўзбек тили стилистикаси" ўқув қўлланмасида муаллифлар жамоаси томонидан эвфемизм ҳамда кокофемизм (дисфемизм) хусусида айрим умумий маълумотлар берилган. Мазкур қўлланмада, хусусан, эвфемизмлар ва уларнинг стилистик роли ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилган. Қўлланмада айтиш ноқулай ёки ноўрин бўлган сўз ёки ибора ўрнига ишлатиладиган "пардали" сўз ёки ибора эвфемизм сифатида баҳоланган. Эвфемизмлар бадиий адабиётда, асосан, айтиш уят, ноқулай ва похуш вазиятлардан қутулишнинг бирдан-бнр стилистик воситаси сифатида ишлатилиши, бундан ташқари, бадиий асарда образ ва персонажлар путқида ишлатилган эвфемизмлар ҳар бир образ ҳамда персонажнинг мақсади, дунёқараши ва савиясини ифодалашдек муайян стилистик мақсадни ҳам кўзда тутиши таъкидланган

[4].

Лингвистик адабиётларда эвфемизмнинг антоними сифатида дисфемизм, какофемизм ва кучли сўзлар деб берилмоқда [1]. Биринчи ва иккинчи термин ҳақоратомуз ва озроқ юмористик мазмунга эга, улардан бирон нарса мақсад қилинганда олдиндан режалаштирилган ҳақоратли сўз сифатида фойдаланилади. Охиргиси эса, асосан, баҳс-мунозара, тортишувларда қўлланилади.

Тилшунос М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” монографиясида эвфемизмга махсус ўрин ажратилган. Олим монографиясида табу ва эвфемизм ҳодисаси муносабати, ўрганилиш тарихи масалаларига алоҳида эьтибор қаратади. Олим эвфемик маьнонинг ҳосила маъно эканлигини, бу ҳосила маъно метафорик, метонимик усулда вужудга келишини, улардан, айникса, метафора эвфемик маъно ҳосил бўлишида катта аҳамият касб этишини таъкидлайди. Масалан, *чаён* сўзи лексик маъноси *эшак* сўзи билан вокеланган. Чунки чаён думини гажак қилиб туриши жиҳатидан эшакка ўхшайди. Мана шу ўхшашлик *эшак* сўзида эвфемистик метафорик маъно ҳосил бўлиши учун сабаб бўлади. Метафора ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референти ўхшаш бўлиши билан боглиқ ҳолда содир бўлади. Олим синекдохик ва вазифадошлик асосида эвфемик маъно пайдо бўлмаслигини таъкидлайди [1].

Н.Ғайбуллаева эса тиббий эвфемизмларни даврий нашр материаллари асосида ўрганган бўлса [5], Ш.Ғуломова эътиборни эвфемизмларнинг гендер хосланишига қаратди [2]. Мазкур ишларда эвфемик ҳодиса инсон омили билан боглиқ ҳолда тадқиқ этилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Эвфемизмлар миллий-ментал муносабатнинг борлиқни акс эттиришида намоён бўлади, у маданий кадриятларнинг тилда намоён бўлишини кўрсатади, эвфемизмда аниқлик ва таъсирчанлик, жозибадорлик билан бирга мавҳум муносабат ҳам кузатилади. Шуниси муҳимки, нутқий эвфемизмлар шахснинг қандай лингвомаданий муҳитга дахлдорлиги, тафаккур тарзи, дунёқараши, сўзнинг нозик қирраларини ҳис этиши ва тилдан фойдалана олиш маҳоратига боглиқ ҳолда содир бўлади. Эвфемистик ифодалар асосий ахборот мазмуни ва унинг устида каватланган коннотатив маъно ҳамда муносабатдан ташкил топади. Ахборот эвфемистик коннотатив маъно билан мураккаблашади, коннотатив маънолар сирасида метафорик образга асос бўлган салбий ёки ижобий муносабатдан бири етакчилик қилади. «Коннотатив маънонинг кучайиши денотатив ва функционал маънонинг кучсизланишига кўра вужудга келади» [1;3].

Айтиш мумкинки, ахлокий ва маданий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлмаган ёки нокулай деб топилган тушунчаларни анча юмшок тарздаги баъзан сўз ёрдамида, кўпрок бирикмалар билан ифодалаш эҳтиёжи эвфемизмларни юзага келтиради ва ижтимоий катлам эгаларининг ҳар бири нутқида ҳар доим нутқий шароитга мос янги топилма сифатида яратилаверади. Нуткда эвфемизмларнинг кийматини уларнинг ноодатийлиги, фавқулоддалиги, инсон тафаккури ифодаланиши зарур бўлган нарса ва ҳодисалар орасидаги уйгунликларни метафорик тарзда кўра олиши, тил

сезгирлиги, ички сезимнинг кучи билан характерлаш мумкин. Демак, эвфемизм – идрокий топилма.

Умумхалқ тафаккурига мос эвфемистик бирликлар тезда сийқалашади, оммалашади ва кўпчиликнинг нутқидан ўрин олади. Аслида эвфемизм анъанавий семантик-синтактик қолипларга мос тушмаслиги билан ҳам алоҳидалик касб этади. У нутқда қўллаш ноқулайлик туғдирувчи воқеликка (предмет, ҳаракат, белги, хусусият кабиларга) тўғридан-тўғри боғланмайди, балки айланма йўллар билан келади. Ана шу “айланма йўл” эвфемистик нутқ эгасининг идроки ҳамда эвфемаланувчи ҳодисанинг тегишли сифатини қай даражада илғай олиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, ўзбек нутқидаги қуйидаги эвфемизмлар аллақачон умумистеъмол эвфемизмларига айланган:

феъл сўз туркуми доирасида: *ҳақиқатдан узоқлашмоқ* (ёлғон гапирмоқ), *оламдан ўтмоқ* (ўлмоқ), *енгил бўлмоқ* (туғмоқ), *бегона бўлмоқ* (ажрашмоқ), *номусига тегмоқ* (зўрламоқ), *уйли бўлмоқ, бошини иккита қилмоқ, турмуш қурмоқ* (уйланмоқ) ва б.;

от сўз туркуми доирасида: *умр йўлдоши, жуфти ҳалол* (эр ёки хотин), *олий жазо* (ўлим), *белдан паст* (аврат), *қўш кабутар* (сийна) ва б.;

сифат сўз туркуми доирасида: *ёши улуғ* (қари), *ўйламай гапирадиган* (бефаросат), *ақли ноқис* (жинни), *имконияти чекланган* (мажруҳ), *кўзи ожиз* (кўр), *айби бор* (ҳезалак), *суюқоёқ* (фоҳиша) ва б.

Нутқий (динамик) эвфемизм турғунлашмаган ва ижтимоийлашмаган, вужудга келишидан жараён билан боғланган, бунда унинг ҳосил қилиниши ва қўлланиши фақат якка шахс билан боғлиқ, статиклашмаганлиги эса унинг асосий белгиловчи хусусияти ҳисобланади. Бундай эвфемизмларнинг энг гўзал намуналарини сўз санъаткорлари, сўз усталари, ёзувчи, шоирлар, нотиқлар нутқида тез-тез учратиш мумкин. Масалан,

*Ел бўлиб бетоқат қоқдиму, лекин*
***Дил хонангни мутлақ очолмадим*** *мен.* (Ҳалима Худойбердиева)

Шеърнинг “*Дил хонангни мутлоқ очолмадим*” эвфемик сатри “севилмадим” бирлиги ўрнида қўлланилган. Ҳа, севиш, албатта, севилиш билан тўлақонли. Севилмаслик, ҳамиша инсон қалбига битмас армон, улкан дард, баъзан чексиз нафрат ҳам солади. Ўзбек шоираси Ҳалима Худойбердиева қўллаган “*Дил хонангни мутлоқ очолмадим*” эвфемизми жуда гўзал. Ўз ўрнида ишлатилган. Аммо у ўзбек умумнутқида турғунлашмаган, яъни ижтимоийлашмаган. Ижодкорнинг поэтик нутқигагина хос, умумнутқида турғунлашмаган, ижтимоийлашмаган эвфемик бирликларни окказионал эвфемизмлар сифатида баҳолаш ўринли.

Ўзбек шоираси Ҳалима Худойбердиева ижодида окказионал эвфемизмларнинг ранг-баранг ва бетакрор кўринишлари мавжудлигини кузатиш мумкин. Масалан,

*Номард ғолиб келса мард дилтангу зор*
*Бош эгиб турганда қанча куч сарфлар.*
*...Айтинг, яна неча аср солиб из*
*Бу* ***дўзахий сўз****дан куяр тилимиз?!*

Шоира эл ҳам, миллат ёки элат ҳам, макон ёки замон ҳам танламайдиган “*айрилиқ*”ни, яъни яқинларимиздан жудо бўлишни англатувчи сўз ўрнида

***дўзахий сўз*** эвфемизмини қўллайди ва ўзига хос оргиналликни юзага келтиради. Ёки

*Сиз, эй, бу дунёнинг ҳисобдонлари,*
*Тахминан бўлса ҳам қилингиз ҳисоб:*
*Қанчалик умри бор **сунъий шон**ларнинг;*
***Сунъий кўрк** қанчада бўлгуси хароб;*
*Қанча даволангач паст тушиб ҳар кас*
*Ўзин алломаи замон санамас*

мисраларида ***сунъий шон, сунъий кўрк*** деганда баъзи инсонларга тегишли манманлик, кибру ҳавони назарда тутади. Инсон зотига хос иллатлар номини пардалашда эфемик бирликлардан фойдаланади.

Шоира ижодида анъанавий умумистеъмол эвфемизмларидан ҳам жуда ўринли фойдаланилган мисоллар кўп учрайди. Айникса, тиббий эвфемизмлардан баъзан ўз маъносида, баъзан кўчма маънода фойдаланилган мисоллар эътиборимизни тортади. (Шу ўринда эслатиб ўтишимиз зарурки, биз инсон саломатлиги билан боглиқ барча эвфемик бирликларни тиббий эвфемизмлар сирасига киритдик):

***Минг дард чеккан** ўзимиз силлиқ,*
*Минг тош теккан сўзимиз силлиқ,*
*Қирқ қиррали сўзларимизни*
*Шудгор қилиб текисладилар.*

***Минг дард чеккан*** тиббий эвфемизми кийналган, азобланган сўзлари ўрнида кўлланилмокда.

*Йўқ, йўқ, беҳудага ҳеч кўкракларга тушмас доғ,*
***Шиғил мевасин ахир кўтаролмай синар шох**.*

*Қатор ўғил-қизини ўстиргунча тик қилиб*
***Отанинг тик қомати қолгай ахир букилиб**.*
Ёки
*Бизнинг **юрак доглидир**, ким учундир куйдик биз,*
*Ким учундир **кўкракда огриқ, дардни туйдик** биз.*

*Соғлом, бўм-бўш қалб билан яшамадик бекорга,*
*Яраланиб бўлса ҳам **малҳам бўлдик беморга**!*

***Сўнгги йўлга кетармиз**, шафқатни тишда тишлаб,*
***Доғли, ярадор, лекин тоза юракни ушлаб**...*

Танланган мисоллардаги ***шиғил мевасин ахир кўтаролмай синар шох***, ***сўнгги йўлга кетмоқ*** эвфемалари “ўлмоқ”, ***отанинг тик қомати қолгай ахир букилиб*** бирлиги “қаримоқ”, ***догли юрак, кўкракда огриқ, кўкракда дардни туймоқ*** тиббий эвфемизмлари эса юрак касалликлари (масалан, инфаркт ёки ҳ.) номларини атаб келмоқда.

Ҳалима Худойбердиева “Энг тоза мева” шеърида фарзандни *энг тоза мева* деб атайди ва шу шеърнинг шарҳида шундай изоҳ ёзади: “*Бир келинчак тўрт ойлик **хаста чақалоғ**ини қайтиб олмаслик шарти билан касалхонага*

*ташлаб кетди*". Изоҳдаги ***хаста чақалоқ*** эвфемизми *ногирон* сўзи ўрнида ишлатилган.

Мазкур шеърда яна шундай тиббий эвфемизмлар учрайди:

***Гуноҳ маҳсули****дир балки жаҳонда,*
***Дунёга келтирмиш*** *балки хатолар...*
*Улар кўкрагига босар қаттиқроқ*
***Совуган гўдаклар*** *таналарини*!

***Гуноҳ маҳсули*** (ташландиқ бола), ***совуган гўдаклар*** (ўлик), ***дунёга келтирмиш*** (боласидан воз кечган аёл)...

Жаҳон тилшунослари эвфемизмларнинг юзага келиши учун бир қатор, масалан, хушмуомалалик (Г.Грайс, Ж.Лич, Г.А.Вильданова, С.Левинсон, Н.И.Формановская ва б.), назокатлилик (Лакофф, П.Браун ва б.), инжиқлик (Ю.В.Горшунов), хушхулқлик (Ю.В.Горшунов, Е.П.Сеничкина ва б.), нутқ маданиятининг юксак даражага кўтарилиши (В.И.Красик, Е.А.Земская, Ж.Коаст ва б.) каби прагматик сабаблар мавжудлигини санаб ўтадилар.

Таникли тилшуносларнинг фикрларини кувватлаган ҳолда айтишимиз керакки, жамиятда ўзини билган, ўзлигига интилган ҳар бир шахс, одатда, маданиятий сўзлашга интилади, чиройли нутқи билан суҳбатдошларида яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилади. Демак, мулойим, таъсирли нутқ асоси бўлган эвфемизмлар жамиятда шахс мавкеини оширишга хизмат қилувчи лингвистик восита ҳамдир.

Азалдан ўзбек миллатида ўз фикрини одоб доирасида ифодалаш мерос ҳисобланади. Шу нуктаи назардан ёндашадиган бўлсак, кўпчилик одамлар билан мунтазам нутқий мулоқотда бўладиган касб эгалари нутқида касбий этикетни саклаш ва эътиборни козониш максадида ҳам эвфемик бирликлардан кенг фойдаланилади. Айниқса, инсоннинг жисми жони, руҳияти, ҳаёти билан иш кўрувчи шифокорлар мулокотида эвфемизмлар бошқа касб эгалари нутқидан кўра кўпроқ қўлланилади.

Айтиш мумкинки, эвфемик бирликлар, масалан, тиббий эвфемизмлар соҳа вакиллари нуткидан умумистеъмолга ёки умумистеъмолдан соҳа вакиллари нутқига кўчиб туради. Масалан, *гумона, қорнида бори* (ҳомила), *иккиқат, оғироёқ, бўйида бор, юкли* (бўгоз, ҳомиладор), *гўдак йиғисига маҳтал, бўйида бўлмас, бола кўрмаган аёл, тирноққа зор* (тугмас) каби эвфемик бирликлар халк умумистеъмол нуткидан тиббиёт ходимларининг нутқий мулоқотига кўчган бўлса, *дунёга келажак учинчи одам* (ҳомила), *бўлажак она* (ҳомиладор), *бепушт, она бўлишдан маҳрум, ҳомиладор бўлиш қобилияти йўқ* (тугмас) каби тиббий эвфемизмлар аллақачон шифокорлар нутқидан халқ мулоқот нутқига кўчиб улгурган.

Ўзбекларнинг мулокот нуткида бу каби мисоллар кўп учрайди.

**Адабиётлар:**

1. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. – 288 б. https://www.twirpx.com/file/3052388/
2.Гулямова Ш.К. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Бухоро, 2020. http://213.230.96.51:8090/files/ebooks

3. Дилором Юлдашева (Dilorom YULDASHEVA). Профессиональные фразеолоғия (Professional Phraseology). International conference on academic studies in philology (BICOASP) 26-28 September 2019 Bandırma https://d1wqtxts1xzle7.cloudfront.net/60539392/
4. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов А. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б. https://www.twirpx.com/file/1070737/
5.Ғайбуллаева Н.И. Ўзбек тилида тиббий эвфемизмлар (тиббий даврий нашр материаллари асосида): Филолоғия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.– Бухоро, 2019. –50 б. http://library.ziyonet.uz/uzc/book/108708

## «Ант» драмалық дастанының тарихи және фольклорлық негізі
## Historical and folklore basis of the dramatic saga "The Oath"

**Қалиев Еркін Мұратұлы***

**Annotation.** In this article, the drama "The Oath" by the writer-playwright T. Akhtanov was the core of the study. The problems of folklore heritage, patterns in drama, historical searches, and the transformation of historical reality into an artistic solution are studied.

**Keywords:** *drama, historical reality, artistic solution, historicity, folklore*

Т.Ахтанов драматурғиясында «Анттың» орны өзғеше. Шығарма тарихи кезең шындығын тартыс үстінде ашуға жасалған батыл қадам, іргелі ізденіс болды. «Шынында «Ана дауысындағы» драмалық сарын мынау «Антта» анық ауыр трағедияға соғады. Сөз саптау, тілдік ізденіс жөнінен де, тақырып тереңдігі мен кейіпкердің кесек ірілігімен де бұл пьеса өміршең туындылар қатарына жатады», - деп жазды сыншы Т.Тоқберғенов [Тоқберғенов, 191: 29]. «Дағдарған елді тар қиядан алып шығар ұл бар ма? Қайдасың, азамат...» деп

аяқталатын трағедияның айтар ойы, меңзер тұсы әріде. Қазақ елі XVIII ғасырдың басында бодандыққа қандай жағдайда келді? Ата-бабаларымыздың жеке мықты мемлекет болып қалыптасуына ықпал болған қандай жайлар? Міне, осы тәрізді уақыт шындығын ашуға ұмтылыс – «Анттың» неғізі.

Халықтық бірлік- шығарманың басты ой қазығы. Мұнда ынтымағы жетпеген елдің ауыр қайғысы, жеке мемлекет бола алмау қасіреті бар. Бұл – өткеннің бүгінге сабағы. Әсіресе, тәуелсіз мемлекет боламыз деген қазірғі кезеңге тарих тағылымы болса керек. Шығармаға уақыттың, қоғамның қатыстылығы туралы кейін жазушы «Егемен Қазақстан» ғазетіндегі сұхбатында былай дейді: «Мен «Антты» жазғанда оны бір мерекеғе арнағаным жоқ. Баяғыдан көңілімде, іште пісіп жүретін 1956-1957 жылдары болу керек бір кітаптарда Әбілқайыр Ресейге қосылып, той жасады дегенді оқығанда Әбілқайырдың кешке қарай төбе басына шығып, осының арты не болар екен- деп жалғыз ойланып қалған бейнесі көз алдыма келеді. Бұл «апырай, сонда не ойлады екен?» деген образ болатын. Жазушының көркем

---
* ЖОББ «Білім» мектеп-гимназиясының қазақ тілі мен әдебиеті пәні мұғалімі

| | | |
|---|---|---|
| ***Teshayeva M.Sh.*** | *asarida mavjud ayrim tibbiy atamalarning lingvistik tahlili* | |
| ***Niyozova M.F.*** | *Davriy nashrlarda tibbiyotga oid tasviriy vositalarning qo'llanilishi* | **218** |
| **4-sho'ba. Tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi** | | |
| ***Yusupova D.Y*** | *Tilshunoslikda evfemizm hodisasi talqini (H.Xudoyberdiyeva she'rlari asosida)* | **222** |
| ***Қалиев Е.М.*** | *«Ант» драмалық дастанының тарихи және фольклорлық негізі*<br>*Historical and folklore basis of the dramatic saga "The Oath"* | **228** |
| ***Yuldasheva M.M.*** | *Tibbiy pedagogik yo'nalish talabalarida milliy an'analar asosida bag'rikenglikni rivojlantirish* | **232** |
| **5-sho'ba. Amaliy filologiyani rivojlantirish - davr talabi** | | |
| ***Ashurbayeva R.Q.*** | *Yosh avlodda tibbiy madaniyatni rivojlantirishda ona tili fanining ahamiyati* | **237** |
| ***Istamova S. I.*** | *Taqlid so'zlarning tibbiyotda qo'llanilishi* | **241** |
| ***Qobilova A.B.*** | *O`zbek va ingliz tili tibbiy perifrazalarining kognitiv-morfologik xususiyatlari* | **245** |
| ***Toshtemirova S.*** | *Tibbiyot lingvistikasi: vujudga kelishi, dolzarbligi, maqsad va vazıfalari* | **248** |